





Яхшиямки, қўшиқ бор — оҳанг бор дунёда. Етмиш икки томирингизни қитиқловчи куй бор дунёда... Ҳар ким ҳам истасада, қўшиқ куйлолмайди. Худод суйган бандасида бериш бу инъомини. Унинг қадрига етганлар бор, етмагандар бор.

Самарқандлик қўшиқчи деганда Насиба Абдуллаевани кўз олдингизга келтиришингиз табиий. Неча йилдирки, у мухлисларининг эътиборидан тушмай келаяпти. Бу ҳаммага ҳам насиб эвазлармайди. Аввалига мухлислар орптириб, кейин унутилган санъаткорлар қанча. Насиба Абдуллаеванинг қўшиқлари йил сайин одамлар ҳуржатида, эътиборида.

— Насибохон, суҳбатимизни бугунги кунда жуда кўпчилигини қизиқтиратган саволни беришдан бошламоқчимиз. Нима учун ансамблларнингиз янгилади?

— Мен бу саволни охириги пайтларда жуда кўп эшитаяман. Биринчидан ансамблларимиз янгида янгилашгани йўқ. Янги йигитларимиз иш бошлаганига ҳам бир неча йил бўлиб қолди. Турмуш ўртоғим Элдор Абдуллаев укаси Баҳром билан бошқа ансамбль ташкил этиб, ўша ерда ишлаётди. Олдинги йигитларимизнинг баъзилари ўз гуруҳларини очди, баъзилари бошқа ишга кетишди.

— Насибохон, оилангиз ҳақида гапириб берсангиз...

— Оиламиз ҳақида кўп гапирганман. (Турмуш ўртоғим Элдор Абдуллаев «Самарқанд» ансамблига раҳбарлик қилапти. Икки ўғлимиз бор. Анвар 7-синфда ўқийди. Акбар шу йил мактабга боради. Бахти оиламиз деса оламан.

— Айтинг-чи, оналик ва санъаткорликни бирга олиб бориш қийин эмасми?

— Аёл санъаткор учун мухлис орттириш осонликча бўлмайди. Буни она бўлган биледи. Бу ҳурматлар неча уйкусуз кечалар, болаларини оилаб кўмаслик, она соғинчи эвазига келади. Менинг санъатим деб эртага болаларимнинг ўқинишини истайман. Мен сўхнадан кетганимдан кейин ҳам санъатим яшашини истайман. Болаларим қандай бўлиб воғта етса мен оналикни бажарганимга баҳо берилади. Лекин болаларимнинг лоқал биттаси санъаткор бўлиб, менинг, отасининг ишини давом эттиришини истайман. Майли у ижоддан қийналсин. Лекин ижод қийинчилиги иш якунини кўрганда, барибир лаззат келтиради.

— Сиз-ку истасиз-а, бироқ уларнинг ўзидан ҳам санъатга қизиқини борми?

— Бор. Катта ўғлим мусиқа мактабига қатнаган. Кичик ўғлим ҳам ўтган йилдан борапти. Улар ўзбек, озарбайжон қўшиқларини яхши кўришади.

— Насибохон, сиз ҳам туш-қўшиқча тушсангизми?

— Тушқуликча тушишни ёмон кўраман.

— Инсонда шундай ҳолат бўладики, қувонганда ҳам, қайтганда ҳам бештиер дилга келувчи яхши кўрган кўшиқ бўлади. Бир сўхбатда сиз ана шундай қўшиқлар қаторида «Айрилиқ» қўшиғининг тилга олган эдингиз. «Айрилиқ»нинг сенига янгилик қўшадими?

— Айрилиқ ҳалиям яхши кўрган қўшиғим. Уни куйлаганимда мен тил билан ифодаб бўлмас туйғулар аспирасига айланаман. Мен ўзимга еқмаган қўшиқни айтмасликка ҳаракат қиламан. Шунинг учун бўлса керак, кўп қўшиқ езадиган бастакорлар менинг инжиклигим сабабли мен билан кам ишлашади. Ўнга қўшиқдан биттаси е иккитасини танлаб оламан, е ҳаммасини қайтариб беришим мумкин.

— «Айрилиқ»нинг сенига «Жоним менинг» деган лирик қўшиқ қўшилди.

— Сиз нимага кўпроқ озарбайжон тилда куйлайсиз?

— Бунинг оиламга боғлиқлиги йўқ. Турмушда чиққунча ҳам бу тилда кўп куйлаганман. Болалигимдан шарқ қўшиқларини эқтираман.

— Оилангизда қайси миллат урф-одатларига амал қиласизлар?

— Кўпроқ озарбайжонча. Қарера келин бўлсанг, ўша ернинг одами бўл дейишди-ку.

## СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

Насиба АБДУЛЛАЕВА:

# «СЕНИ СОҒИНДИМ, ҚЎШИҒИМ»

томошабин эқтирган санъаткорининг концертга борсин.

— Сизга кўпчилигининг ҳаваси келади. Ҳавас аралаш улар ўзларига савол беришади: «Қизиқ, мана шу Насибанинг ҳам армони бормикан-а?» деб...

— Бор, албатта. Энг катта орузим фарзандларимга боғлиқ. Мен уларни яхши одам бўлишини истайман. Бундан ташқари, ўз юртимда тан олинган санъатимни хоржий ўқаларга олиб чиқиш орузим бор. Ўзбекистонда ижод қилаётган санъаткорлар ичида хоржия энг кам чиққани мен бўлсам керакми? 15 йил ичида уч марта бўлганман чет элда. Самарқандда вилоят ҳокими ташаббуси билан менинг қўшиқ театрим қурилиши бошланмоқчи бўлиб турибди. Лойиҳаларини ўзимиз кўриб муҳокама қилганмиз. Бу қўшиқ театри ҳақиқий яхши қўшиқлар янграйдиган жойга, шаҳримиз аҳолиси, меҳмонлар жон диллари билан ташриф буюрадиган санъат кўшонасига айланишини

давлат экан. Лекин у ерда қўшиқларим 7 миллион нусхада сотилибди. Бу мен учун жуда қувончли хабар бўлди.

— Сиз қайси мавзуда кўпроқ куйлашни эқтирасиз?

— Айниқса ота-она мадҳияси жуда тўқинлангирди мени. Ҳозирги кунда фарзандларимга бағишланган бирор қўшиқ айтиш орузидаман. Ғамгин мавзуларга иложи борица камроқ мурожаат қилишга ҳаракат қиламан.

Концертимга келган одамлар кўпроқ дам олишларини, хурсанд бўлишларини истайман.

— Бир кўрсатувда «уй

юмушларимга кўмак берадиган, мен билан опа-сингилдек бўладиган аёл топилса хурсанд бўлардим» дедингиз. Она, уй бекаси сифатида уй юмушларини бажаришдан завқланмайсизми?

— Уйда менга кўмак берадиган аёл бўлса хурсанд бўлардим деганим, бу рўзгор юмушлари билан шугулланишни истайман, деганим эмас. Мен ўшандай аёлни топдим ҳам. Лекин ўша аёл билан барабар уй юмушларини бажараман. Мен уй юмушларидан қанчалик завқ олмай, санъаткор сифатида ўз устимда ишлашим керак, шунинг учун вақт тежаш мақсадида ўзгалар меҳнатига эҳтиёж сезаман.

— Бугунги кун қийинчиликлари, муаммолари сизнинг ҳаётингизга ҳам таъсир ўтказаяптими? Е сезилмайдими?

— Нимага? Мен осмондан тушган эмасман-ку. Албатта одамлар билан бирга яшаётган эканмиз, уларнинг қийинчиликлари бизларга ҳам бегона эмас. Бу қийинчиликларнинг ҳаммаси ўткинчи бўлишини истардим. Вақтинчалик қийинчиликлар учун ўз бардошимизни синдирсак, ҳеч қачон яхши кунни кўра олмаймиз.

— Насиба, куйланмаган қўшиқларингиз ҳақида гапириб беринг.

— Улар кўп деб ўйлайман. Куйланмаган қўшиғим қолмади. деган санъаткор санъатини йиғиштириб қўйверса бўлади.

— Бошқа санъаткорлар ижодига қандай қарайсиз?

— Ўзининг санъатини ҳурмат қилган инсонига бошқалар ижодининг қадрига ета биледи. Мен ҳақиқий опера-да балетнинг шайдосиман. Ҳаракатларидеги маъноларини соатлаб кўзатсам дейман. Лекин бизда кишини ҳайратлангирча оладиган даражадаги опера ва балет кам...

## ҚЎЛИ ГҲЛ ЁШЛАР

# АТЛАСИДАН КЎЗ ҚАМАШАДИ


Ўтган йилнинг охирироғида газетамизга бир хабар йўлагандим. Тойлоқдаги кичик атлас тўқиш цехи ҳақида. Саҳифа тайерлаш жараёнида ўша хабар тафсилотларини ўз кўзим билан кўрдим.

Туман ешлар жамғармаси қошида «Дилшод» кичик корхонаси ташкил этилган. Бу кичик корхонада ўзимизнинг миллийлигимизни акс эттирувчи машҳур атлас матоси тўқилади.

— Кичик корхонамиз энди оёққа туряпти, — деб ҳикоя қилади унинг раҳбари Шухрат ака. — Иккита тўқув дастгоҳимиз бор. Намангандан усталар келиб, ишни бошлашимизга ердамлашиб кетишди. Тўрт ой шу ерда бўлиб, болаларга ўз хуналарини ўргатдилар. Лекин тўқувчи бўламан деганининг ҳаммаси ҳам тўқишни урдалаб кетмас экан. Ўнга боладан биттасигина тўқишнинг урдаласидан чиқаяпти. Бу билан мен болаларнинг қобилиятини камситмоқчи эмасман. Демокчиманки, атлас тўқиш биз ўйлаганчалик осон иш эмас экан. Атлас тўқиш учун кенг фёёл, ирода, чидам зарур. Ҳозирда биз атлас тўқишнинг дастлабки жараёнларини бажараяпмиз.

— Бу жараён нималардан иборат?

— 12 нафар ишчи туман



меҳнат биржаси томонидан стипендия билан таъминланиб, атлас тўқишга ўргатилляпти. Болалар ўқишни тугатгандан кейин иш жараёни кенгайди. Атлас тўқишнинг юраги — ипакни бўяш экан. Бунга ҳамма ҳам урдалай олмайди. Миллиметр, сантиметрларга бўлинган ипакни турфа рангга бўяш учун одамзотнинг қанча соч толаси бўлса, шунча чидам керак.

Мен шундай тасаввур қиламан.

Дастгоҳлар ўрнатилган хонага киравмиз. Бу ерда икки йигит атлас тўқиш билан банд. Носиров Баҳодирнинг қўли анча келишиб қолибди. Комил Саидқулов, Акбар Бегматовлар ҳам мустақил равишда атлас тўқишни би-лишар экан.

Улар тўқиётган атласлар наманганликларнинг машҳур атласларидан қотишмайди.

Фақат, ипак топиш муаммо бўлиб турибди. Кундан-кунга йиғирилган ипакнинг нархи ошиб бормоқда.

Бир кун бозорга борсам, атлас харид қилаётган опалар сотувчини қойишмоқда:

— Бунча қиммат сотаяпсиз. Тунов кун олиб кетганимда бундан арзон эди.

— «Бунинг меҳнатини кўрсангиз, баҳосини тортишмас эдингиз», — деб танбёх бергим келди, дейди Шухрат ака.

Атлас барибир кўзни яшнатади. Бу атласларда Ўзбекистоннинг қиёфаси ерқин бўёқларда акс этгандай. Ўзбекистоннинг тупроғи зар. Турфа хил боиликларга эга. Атлас ўзининг минг бир жилоси билан ўшанга таъриф бераётгандай, йиллар ўтар, Бозигорон атласининг шуҳрати балки оламга кетар. Иллоҳ яхши ният билан ташланаётган қадамлар самарасини берсин.

Кам бўлсада, барибир атласларни кўриб, кўз қувонади. Кўнгилларнинг қувонгани — уни еш-еш қишлоқ болалари тўқитгани. Бу нозик бардоқларнинг меҳнати ўз опалари, оналари ва вақти келса ўз санамлари эғнида ял-ял товланади.




## «БАНДИ КУШОД» ҲАҚИДА РИВОЯТ

Бозигоронга яқин жойда, тўғрироғи, Абдулла Сарой қишлоғида Банди, кушод деган зияратгоҳи бор. Ривоят қиладиларки, бир замоналар босқинчилар муслмонларни асир олиб, ҳайдаб кетётганларида мана шу қишлоққа келиб, саройга қамашган. Бандиларнинг қўлларига занжир солинган бўлган. Эрталаб қарашсаки, бандиларнинг занжирлари узилиб, улар қочиб кетишган. Бунни ким қилди деб атрофни титқилаб қарашган. Бу ерда одамзод кириши мумкин бўлмаган. Қарашсаки, бир тошдан бошқа ҳеч нима йўқ. Одамлар бандиларга ўша тошнинг кучи ердан берган деган ҳаселга боришган. Шундан кейин ўша тошни Банди кушод аёбонинг тоши деб аташган. «Банди кушод» деган сўз «Банди очилмоқ» деган маънони англатар экан. Бугунги кунда ҳам бу жой ният қилганларнинг зияратгоҳига айланган. Фаразиди йўқлар, бахти очилмаганлар, бошига оғир кун тушганлар бу ерга ният қилиб боришади. Ҳалқнинг ислох қилинган нарсасидан қайтариб бўлмайди. Шу ният қилган жойларига бориб қўнғиллари таскин топадилар, уларни ўз ҳолига қўйиб беришган.

Бундан ўн йиллар аввал, ҳозирги ҳоким Мамун Шерқулов туманда раҳбар бўлиб ишлаганда мана шу зияратгоҳида хужра қурилишини маъқуллаган, халққа хайрхоҳ бўлган эдилар. Ҳашар йўли билан бу жой обод бўлган, ириойли хужра қурилган. Кейин эса худди ўша ишчи М. Шерқулов ишдан олиб ташланган эди...

Хужра, кексаларнинг айтишча, тарихий кўринишда, гўмбазли эди. Одамларнинг кўзи олдига бу хужра бўлзофер билан суриб ташланади. Бу ердан тош олиб кетишди. Одамлар кўз еши қилди. Йиллар ўтиб, замоналар ўзгарди. Ўша тош олиб бориб ташланган жойдан келтирилди. Ҳозирги кунда ешлар бу ерни яна обод қилишяпти. Хужра қайтадан тиклангачи. Бу ер зияратгоҳига, дам оладиган гўшага айлантирилляпти. Ҳовуз бор. Атрофига дарактлар экилган. Ният қилиб келадиган одамларнинг қадами узилмайди. Кўпчилик орузсига барибир қаршилик қилиб бўлмайди. Орузини ўлдириб, ёуқ қилиб бўлмайди. Ниятини ҳам...

Саҳифа материалларини «Туркистон»нинг Самарқанд вилояти бўйича ўз муҳбири Гулҷеҳра АЛИБОВЕВА тайерлади.



истаймиз.

— Чет элга кам борган бўлсангизда, Исроил, Туркия, Ҳиндистон каби ҳамма оруз қилган ўлкаларга ташриф буюргансиз.

Агар сир бўлмаса, қўшиқларингиз қандай кутиб олинган у еқларда?

— Хоржий давлатларда бўлганимда мени шу нарса ҳайратлангирдики, санъаткорни тушуниш, уни ҳурматлаш гўят ўзига хос. Тушунмаётган қўшиқни ҳам тинглай олиш маданияти бор уларда. Ҳеч курса мусиқасига қўлоқ солишади. Исроилда олдин Ўзбекистонда яшаб кетиб қолган одамларни

... Насиба — она. Насиба — талантли қўшиқчи. Насиба — уй бекаси. Насиба қунонча, дилбар қалби билан минглаб мухлислари қалбига қўшиқлари билан гул экиб юрган нафис бөгбон. Насиба ўз қалб дурларини ўзгалар қалбига ҳайрат ва жозибани билан улашиб юрган саҳий санъаткор.

Насибанинг қўшиқлари умри боқий бўлсин. Унинг қўшиқларини ҳар кун эшитсак-да, соғиниб юрайлик. Тилларимиздан мана шу қалом тушмасин: «Сени соғиндим, қўшиғим!»

Зоир ХОЛМИРЗАЕВ суратлари.

## «МИЛЛИОНЕР БЎЛИШ НИЯТИМ БОР»

дейди Жомбой туманидаги «Бек» хусусий фермер хўжалиги раиси Бекмурод Ўтамуродов

— Дастлаб, банктдан олган 30 минг сўм қарзга 15 бош қорамол сотиб олдим — деб гап бошлади Бекмурод ака. — Олган қарзини 60 эса тезда қайтардим. Ишлар анчагина юришди.

— Қарзини вақтида тўлаб тўғри иш қилгансизми? — Сурайман ушдан.

— Йўқ. Шу малағга яна 40 бош қорамол сотиб олсам, ишимиз беш бўларди.

— Афсусланяпсиз-а?

— Йўқ. Бўлар иш бўлди. Энди бориға барақа деймиз-да.

— Барақа қандай бўляпти?

— Шу кунда 40 бош қорамолимиз бор. 20 боши соғин ситирлар. Ўтган йили давлатга 51 тонна сўт, 1,5 тонна гўшт топширдик. Ўн гектар ердан баҳоли қудрат фойдаланаяпмиз.

— Техника муаммосидан қийналмаяпсизми?

— Ҳозирча битта «Зил» машинамиз бор. Шугор пайти эса тракторни давлат хўжаликларига «заявка» бериб оламиз.

Меҳнатига яраша ҳақ тўлаймиз. — Эшитишимча, балиқчилик бўйича ҳам анча ишларни амалга оширибсиз.

— Албатта, бу соҳада ҳам кўпгина ишлар қилдик. Анча маблаг сарфлаб, катта ховуз қовлатдим. Ҳали камчилиги бор. Режаларимиз бўйича бу йил 50 тоннага яқин балиқ топширишимиз керак.

— Айрим оилалар 2-3 бош қорамолни боқа олмай қийналиб юришади. Оғир дамларда сизга кимлар ердан бераяпти?

— Шукри, 9 ўғлим бор. Катта ўғлим — мол дўхтири, кейингиси хайдовчи. Ҳаммасининг ўз иши бор. Ҳозирча четдан ердан сураганимиз йўқ.

— Ишсиз юрган ҳамкишлоқларингизни ишта олиш ниятингиз йўқми?

— Ишлайман, дейишса марҳамат. Меҳнатига қараб, ҳақ олишаверади.

— Бир ўйлаб кўринг, ўзингизни

капиталист, деб ҳисоблайсизми?

— Тўғриси айтсам, капиталист даражасига ҳали етганим йўқ. Агар икки-уч йил ичида режаларимиз тўла амалга ошса, турли техникалар сотиб оламиз, ҳисобимизда ҳам миллионлар бўлади.

— Демак, миллионер бўлиш ния-тингиз бор?

— Албатта. Яна бир ният, ночор оилаларга ердан беришни дилга тугиб қўйганман.


— Бекмурод ака, суҳбат охирида ешлар ҳақида нима дея олсангиз?

— Одамни фақат меҳнат улғайтиради. Ешлар меҳнатсевар бўлишсин.

Зоир ХОЛ МИРЗО ўғли

суҳбатлашди.

СУРАТЛАРДА: Бекмурод ака фермерлиги фаолиятдан лавҳалар.



## ДУСТЛИК-ДРУЖБА

Приморжье и Информационному бюллетню  
Посольства Республики Узбекистан в Российской ФедерацииСпециальный выпуск  
Май 1994 г.

## ДВА ГОДА ДОГОВОРУ

## О ДРУЖБЕ И СОТРУДНИЧЕСТВЕ

30 лет 1994 года в Москве был подписан Договор об установлении дружеских отношений и сотрудничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией. Этот документ является важным этапом в развитии отношений между двумя странами. Договор предусматривает сотрудничество в различных областях: экономике, культуре, образовании, науке, спорте и других. Это способствует укреплению дружбы и взаимопонимания между народами Узбекистана и России.



## РОССИЯДАГИ ЎЗБЕКЛАР

ЎКИ УЛАР НЕЧА МИНГИ ТАШКИЛ ҚИЛАДИ!

1989 йилги маълумотларга қараганда, Россия Федерациясида доимий яшаётган миллат вакиллари қаторида ўзбеклар 126.899 нафарни ташкил қилар экан. Ўзбеклар Москва шаҳрида 9183 нафарни, вилоятнинг бошқа туманларида эса 4321 нафарни ташкил қилса, Санкт-Петербургда — 7927 нафардир.

Россиянинг бошқа ўлка ва вилоятларида улар қуйидагича жойлашган:

Корея Республикаси — 378,  
Коми Республикаси — 2593,  
Архангельск вилояти — 1046,  
Мурманск — 872,  
Ленинград — 751,  
Владимир — 1130,  
Иваново — 1388,  
Калуга — 1366,  
Рязань — 749,

Тверь — 1446,  
Киров — 2527,  
Нижегород — 1667,  
Воронеж — 1117,  
Волгоград — 2851,  
Астрахань — 1311,  
Самара — 3831,  
Саратов — 2791,  
Ульянов — 1072,  
Ростов — 2174,  
Оренбург — 1746,  
Пермь — 2956,  
Свердлов — 4581,  
Челябинск — 3475,  
Татаристон Республикаси — 2692,  
Краснодар ўлкаси — 2520,  
Ставрополь — 1455,  
Бошқирдистон Республикаси — 2282,  
Удмурт Республикаси — 1250,  
Олтой ўлкаси — 1526,  
Кемерово вилояти — 3013,  
Новосибирск — 2179,  
Омск — 1250,  
Томск — 3328,

## НАВҚИРОН ЮРТ

Ўзбекистон Республикаси маъмурий ва ҳудудий жиҳатдан Қорақалпоғистон Республикасига, 12 та вилоятга, 156 та туманга ва 123 та шаҳарга бўлинган. Аҳолининг жами сони бўйича Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туради.

1994 йил бошидаги маълумотларга қараганда, республика аҳолиси 22 миллионни ташкил этади. Характерли томони шундаки, аҳоли сонининг ўсиши жуда қоқори.

Агар 1897 йилдан 1991 йилгача собоқ СССР жумҳуриятларида аҳоли сони 2 марта кўпайган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5,5 мартага етган.

Аҳолининг ўсиши ўртача 3-3,5 фоизни ташкил этади. Охириги уч ўн йилликда Ўзбекистон аҳолиси 12 миллионга кўпайган.

Тюмень — 3791  
Ханти-Мантский автоном округи — 2052,  
Красноярск ўлкаси — 3994,  
Иркутск — 3517,  
Чита — 2514,  
Приморье ўлкаси — 3356,  
Хабаровск ўлкаси — 3206,  
Амур вилояти — 1962.

Мени Ўзбекистон Республикаси билан у ерда ўтган умрим ва ортирган дўстларим боғлаб туради. Ёш-лигимни эсласам, Тошкент едга тушади. Оғир уруш йиллари кўпчилики рус оилалари қатори биз ҳам бу шаҳарга эвакуация қилинган эдик. Оғир йиллар эди. Лекин ундан тотли

## ИНСОНИЙ МУНОСАБАТ

хотиралар қолган. Ўша қийин давларда ўрта мактабни битириб, институтга ўқишга кирдим. Меҳридаре инсонлар орасида яшадим, улар бор-йўқларини биз билан баҳам қуришарди. Кейин Галаба...

Хуллас, бу ҳақда ўзимнинг "Музы мой" номли китобимда батафсил тўхталиб ўтганман. Яқинда Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонасида Президент Исроил Каримов билан Россия эиелларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда И. Каримов мустақил Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ҳақида батафсил сўзлаб берди. Президент сўзларида Россия билан маънавий алоқаларни кенгайтириш ва уни қувватлаш фикри қўрилиб турди.

Шундан сўнг жаноб Каримов Тошкентда ўтажак фестивалга мени шахсан таклиф этди. Президент айтганидай, бу фестивал икки давлат иждоқор ёшларининг дўстлашуви, ҳамкасбларнинг

Ўзро иждоқор яқинлашуви олиб келади. "Ирина Архипова намоиш этади" фестивали Минск, Екатеринбург, Саратовда, яқиндагина эса Уфада бўлиб ўтди. Фестивал қатнашчилари ичида етакчи санъаткорлар, ёш ижроичилар, М. И. Глинка ва П. И. Чайковский конкурсларининг ғолиблари бор. Театр репертуари анча кенг, ижроичилари турли мамлакатлардан йиғиш мумкин. Фестивал афишаларида ўзбек кўшиқчилари — Исмоил Жалилов, Дилорам Ёкубова, Руслан Гофуровларни кўришни истар эдим. Ўзбекистон театр арбоблари ва мусикашунослари жамоаси билан ажойиб бир кўшиқ, куй байрами ўтказишни режалаштирармиз, бунда машҳур артистларимиз нафақат "артистик" қилишди балки, дилдан ўзаро суҳбат қурайдилар.

Ирина АРХИПОВА,  
"Россия-Ўзбекистон" дўстлик ва ҳамкорлик жамияти Президенти.

## ШЕЪРИЯТ

Рамз БОБОЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири

Иккимизга насиб этса боғ сайри...



## КИМНИНГ

## ЮРАГИ, БУ

Севдиму, севгимни, гоҳ эдим ошкор,  
Гоҳ сирдай сақладим хасадгўйлардан.  
Баъзан вазмин бўлдим, баъзан бекарор,  
Тикандай тикланган нопоқ мўйлардан.  
Кимнинг юраги бу, безовта, бетинч,  
Сеникими, жоним, меникими е?

## ЎЧИНГ БОРМИДИ

Жуда соғинтирдинг, ўчинг бормиди,  
Ё синаб кўрмоқчи динимни яна?  
Мени қийнамоққа кўнглинг зормиди,  
Ким билсин, сен учун балки бахона?  
Жонинам, қийнасан, қийнайвер, майли,  
Лекин сен қийналма, яйра, ўйна, кул!  
Иккимизга насиб этса боғ сайри,  
Мен боғбининг бўлай, сен илохий гул.

## СЕНГА ҲАВОЛА

Эй, юрак, фаредим сенга ҳавола.  
Сен ўзинг қайилсан бутун умримга.  
Сен мени сирдошим, мен-ла овора.  
Ҳамиша, ҳамқадим, ҳамқадир шевримга.  
Кўриш насиб этса янги асри,  
Ясай унга ишқон дарахтидан тахт.  
Қутлуғ гиштан тиклай олий қасрни.  
Табаррук тож қийсин одил, ростгўй Вақт!

## АФСОНА ДЕСАМ...

Осмон пештоқда ўчди чироқлар.  
Қаргалар қайилар қилгандай таъна...  
Қор остида қолди ўтлар, ўтлоқлар,  
Ваҳорни йўқласам, қиш келди яна...  
Қиш келди оқ отин миниб йигитдай,  
Қуешнинг бошида ўйнайди қилч.  
Энг баланд чўққига қўнган бургутдай.  
Начора, қўзлардан ярқ этса сенинч...  
Қиш келди гулзорга оқ кўрпа ейиб,  
Суйганин қутгандай қиш қорайганда.  
Ношқин йилқиди алданиб, тойиб,  
Қор ёғиб, ер музлаб, йўл торайганда.  
Қиш келди тангма, тишини қайраб,  
Вафого ваъдани сақлаган ердан...  
Қиш келди ўзини эркалаб, яйраб,  
Қалбиди ешқини гурури бордай.  
Афсона десам бу, афсона эмас,  
Ошиқнинг ҳали, севги эртаги.  
Қуешга кўз тутиб оламнан нафас,  
Қўнглимда ниш урар баҳор қуртаги.

Футбол  
КУЧСИЗЛАР  
ЙЎҚ

Мана, футбол ишқибозларининг орякиб қутган байрами — футбол бўйича XV Жаҳон чемпионати бошланганига ҳам бир ҳафта бўлди. Бир ҳафтадан бери барчага маълум ва машҳур Амрико стадионларида жаҳоннинг энг кучли жамоалари ҳақиқий футбол спектаклларини намоиш қилмоқдалар.

Шуни таъкидлаш керакки, жаҳон чемпионати ҳамиша чиройли, тезкор ўйинларга, қутилмаган натижа ва тасодифларга бой бўлади ва шуниси билан қизиқарли ҳамдир. Масалан, чемпионликка асосий даъвогарлардан бири Италия терма жамоасининг Ирландияга ютказиб қўйиши, Жаңубий Курия жамоасининг ўйиннинг сўнгги дақиқаларида Испания дарвозасига икки түп киритиб, ҳисобни тенглаштириши, Германия-Боливия ўйинида боливиялик моҳир ҳужумчининг майдонга тушганига беш дақиқа ўтар-ўтмас ўйиндан четлатилиши ҳеч қутилмаган ҳодисалар.

Саралаш ўйинларида Аргентинани 5:0 ҳисобида доғда қолдирган Колумбия терма жамоасининг Руминияга имкониятни бой бериши, майдон агалари амриқоликларнинг ҳисобда ҳам, ўйинда ҳам Швейцария билан тенгма-тег ўйнаши чемпионатда кучис жамоалар йўқлигидан, ҳар бир ўйин мурасис кечишдан далолат беради. Ҳозирча чемпионатда йирик ҳисоблар қайд этилмапти. Бунга ҳам сабаб терма жамоаларнинг техник ва тактик жиҳатдан бир-биридан қилишмаслиги бўлса керак.



Алишер Навоий номидаги республика нафис санъат лицейи бошқа лицейлар орасида ахшигина обрўга эга.

Яқинда мана шу ўқув даргоҳи битирувчи талабаларининг лицей билан хайрлашув кечаси бўлиб ўтди. Уларнинг бу ҳажсонли дақиқаларининг янада қизиқарлироқ ўтиши учун таклиф этилган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Афзал Рафиқовнинг Навоий тижосидаги қишқи даврага ўзгача бир фойз бахш этди.

Ушбу давранинг эсда қолавери томонларидан бири шу бўлдики, битирувчи талабалардан Дилфуза Шодирова Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилинди. Рустам Раҳимов эса ўқини давом эттириш учун олийгоҳга йўлланма олади.

Суратларда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Афзал Рафиқов ҳамда қаҳрамонларимиз Дилфуза ва Рустамларни қўриб турибсиз.

Ҳақимжон СОЛНОВ сурати.



## САМИЙ ВА ЖЎШҚИН ШОИР ЭДИ

Хотира уйғонса гўзалдир

Тилак Жўранинг вафоти ҳақидаги хабар вужудимга бир челақ сув сепилгандек эсанкиратди. Сўнг юрагимнинг илдиз-илдизларида бир тинимсиз оғрик кўзгалди. Во ларин! Тақдир бизга виллашув имконини ҳам раво кўрмади. Холбуки, неча йиллар бўйи бир-биримизнига бориб-келиб юрган одамлар негадир сўнгги йилларда қўришмай кетган эдик. Иш жойларимиз ва уларимиз бир-биридан олис тушиб кетди. Шунинг сабаб е бошқамиди, яна Эгам ўзи билди...

Яқиндагина Наврўз байрами баҳона Навоий вилоятига кетарканман, Қутлибека: "Йўлингиз тўхса, Сайет кишлоғига кириб ўтинг, Тилак Жўра оғир етган эмиш" деганди. Ҳамроҳларим: "Сайет, Навоийдан жуда олис... Тилак ўзи ҳам тузалиб кетган, келиб қолади Тошкентга", деб тинчлангирган эдилар. Кейин бошқа ташвиш, кундалик

манзаралари "ни езаман" деб юрарди. Кейинчалик мен унинг ҳаётини беҳабар қолдим, балки ездандир ҳам... Бизни бирлаштирган яна бир сабаб — адабиётга бўлган катта қизиқиш эди... Ҳаётда ҳам, адабиётда ҳам севган ва ҳурмат қилган одамларимиз бир эди. Иккимиз бир давр фарзанди, муайян бир мафкура болалари сифатида Нозим Ҳикмат, Пабло Нерула, Пол Элюар каби шоирларни севардик. Рауф Парфийн хуш кўрардик. Янги ўқиган шеърый мажмуаларимиз билан ўртоқлашардик. У мента Пабло Нерула тўпламларини ҳаля этса, мен унга Доғларнинг беш жилдигини совға қилардим, мен Тилакда яхши кўрган бир хислат — ундаги нҳоя билмас тиришқоқлик эди...

Тилак Жўранинг шоирлик сифати ҳам чакана эмас. У жаҳоннинг озоқлик қуйчилари мактабидан чиққан, халқимизнинг шўбасидан оққан эмиш! Не кечишларни кўрган, не

мустақилликка еришиш йўлида ишлаган ва курашган эътиқодли ватандош, имони бутун шоир эди. Оддий турмуш воқеаларидан умумий ва умуминсоний ҳулоса чиқаришга қўйилад би-лувчи қаламхаш эди. Масалан, у бир шеърда бозорлар харидорлар ва сотувчиларнинг соғлиғини сақлаш учун исирик тутатиб юрган бир буккур чол сиймосини яратқан, қошки мен ҳам шу инсондай бутун дунё халқлари соғлиғини сақласам, уларга чанг солаётган турли макруҳлардан халос қилсам... маъносидати фикрини илгари сурди. Айни чоғда Тилак Жўра шеър ф қат мақсад учун эмас, санъат учун хизмат қилиши кераклигини ҳам англаб етган захматхаш иждоқор эди. Ва у мустақил Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги одимлардан чинакамита севинаётган эди. Афсуски, у мустабид тузум даврида бир этак бола билан Тошкентнинг Сағбон кўчасидаги

Миразиз АБЗАМ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Инсон ёзуғида нелар борлигини билмай ўтаркан. Йўқса, 100 ёшдан зиёроқ умр кўрган табаррук онанинг фарзанди шунчалик аз яшайди, деб ким ҳам ўйлабди. Тақдир экан-да. Тилак Жўра 47 ёшда, айни қирчиллама даврида оламдан ўтди. Қуйнда шоирнинг бундан 4 йил муқаддам, онаси Ашур момонинг (худо раҳмат қилсин) таваллудига 100 йил бўлиши муносабати билан ёзган дил кечинмаларини ҳавола этаётимиз. Ишонамизки, уни барча ОНАЛАР шаънига айланган СЎЗ деб қабул қилгайсизлар.



эканлигимда отам дунедан кўз юган...

Мени боқиб, катта қилиш, ўқитиш шу онагинанинг зиммасида бўлган. Фақатгина мени эмас, уч онамни, эрта ота-онасидан жудо бўлган Бўди холини, Бола тоғамни ҳам тарбиялаш, улғайтириш шу онагина зиммасида эди... Мана, бугун онагина атрофида 60 дан ортқ

невера-чеваралар қарвона, кўзларига нур, вужудига шуур бағишламоқда...

Ха, дунеда онадан улуг, онадай бардошли, онадай муқаддас зот йўқ!

КЕЛГУСИ СОНДА:  
ГАЗЕТАМИЗНИНГ БИ-  
РИНЧИ МУҲАРИРИ.  
ФУТБОЛНИ БАРЧА  
СЕВАДИ.

ГАЗЕТА  
САҲИФАЛАНАЁТАНДА:  
ҲАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Халқро Қизил ярым ой ташкилотининг Марказий Осие ва Қозоғистон бўйича вакили Пьер Жоссерон Хоразмда бўлиб, Ўрган шаҳридаги даволаш муассасалари ходимлари иш-тироқида семинар-кенгаш ўтказди. У халқро хайрия ва меҳр-шафқат ташкилотининг кўп қиррали фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, у Қўшқўйир ва Хавадан қарилар уйларида ҳамда бир қанча туманлар марказий шифохоналарида даволаш ишларининг ташкил қилиниши ва дори-дармон таъминоти билан аякдан таништи.

Пьер Жоссерон Япония Қизил ярым ой жамияти томонидан вилоятга йўнатилган икки контейнер ноёб дори-дармонни даволаш муассасаларига тарқатиш тадбирларида ҳам иштирок этди. Рўзимбой ҲАСАН (ЎЗА)

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ва "Туркистон" газетаси тахририят газетанинг Сурхондарё вилояти бўйича ўз муҳбири Жовли Хушбоқовага ўғли

ОТАБЕКНИНГ бевақат вафот этганлиги муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон сановат ва ҳўлини қуришни давлат корпорацияси жамоаси янги техника жорий этиш ва ахборотлар тарқатиш бошқармасининг бошлиғи Г. Зуфаровга отаси

Қобил ЗУФАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Гаффор ҲОТАМОВ  
Туркистон

Таъсис этувчи:  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сийсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; иждоқор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:  
10001 Тошкент, Миллатлар йўли 2-й.  
Нашир кўрсаткичи: 64607

суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Қўлзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.